

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ҚОДИРОВА СЕВАРА ХАЙРИДДИН ҚИЗИ**

**ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ИШЧИЛАРИ УЧУН АНТИСТАТИК  
ХУСУСИЯТЛИ МАХСУС КИЙИМ ТАЙЁРЛАШ УСУЛИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**05.06.04-Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси авторефератининг мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

<b>Қодирова Севара Хайриддин қизи</b> Электр таъминоти ишчилари учун антистатик хусусиятли махсус кийим тайёрлаш усулини ишлаб чиқиш. . . . .	3
<b>Қодирова Севара Хайриддин қизи</b> Разработка способа изготовления специальной одежды с антистатическими свойствами для работников электроснабжения. . . .	23
<b>Kodirova Sevara</b> Development of a method for manufacturing special clothing with anti-static properties for power supply workers. . . . .	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> <b>Список опубликованных работ</b> <b>List of published works. . . . .</b>	46

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ҚОДИРОВА СЕВАРА ХАЙРИДДИН ҚИЗИ**

**ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ИШЧИЛАРИ УЧУН АНТИСТАТИК  
ХУСУСИЯТЛИ МАХСУС КИЙИМ ТАЙЁРЛАШ УСУЛИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.04-Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий я  
комиссиясида B2021.2.PhD/Г1195 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (реюме)) Илмий кенгаш веб-  
саҳифасида ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))  
жойлаштирилган.

5

**Илмий раҳбар:**

**Пулатова Сабоҳат Усмановна**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Нигматова Фотима Усмоновна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Ариджанова Дилафруз Усмановна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-технология институти**

Диссертация химояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги  
DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «9» ноябрь соат 11<sup>00</sup> дағи  
мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06,  
253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: [titlp\\_info@edu.uz](mailto:titlp_info@edu.uz), Тошкент тўқимачилик ва енгил  
саноат институти маъмурий биноси, 2-кават, 222-хона).

Диссертация иши билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг  
Ахборот - ресурс марказида танишиш мумкин (110 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:  
100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2021 йил «26» октябрь куни тарқатилди.  
(2021 йил «26» октябрдаги 110 рақамли реестр бўлиши билан).



**И.К.Сабилов**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д.

**А.З. Маматов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

**И.А.Набиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациянинг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда тикувчилик буюмларини ишлаб чиқариш учун энергия-ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида технологик жараёнларга таъсир этадиган муҳим омилларни аниқлаган ҳолда, илмий асосланган техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Янги турдаги юқори сифатли ва рақобатбардош кийимларни яратиш, жумладан, гигиеник, эргономик, эксплуатацион ва эстетик талабларга жавоб берадиган махсус кийимларни яратиш, уларнинг ишончлигини таъминлаган ҳолда, рационал конструкциясини яратиш, оптимал технологик параметрларини ишлаб чиқиш, махсус кийим турларини кўпайтириш ва сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш долзарб илмий-амалий масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда тикувчилик ва енгил саноати учун замонавий илм-фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланишни назарда тутадиган инновацион техника ва технологияларни ишлаб чиқиш, мавжудларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, тикув буюмларини ишлаб чиқариш технологияси илмий асосларини ривожлантириш, технологик жараёнда маҳсулотга таъсир этувчи параметрлар оптимал кўрсаткичларини аниқлаш, рақобатбардош маҳсулотларнинг ассортиментини кенгайтириш, маҳалий хомашёлардан самарали фойдаланиш илмий ишланмаларини ишлаб чиқиш, тикувчилик саноати учун муҳим ҳисобланган кийимларни сифатини таъминлаш ва хомашё сарфини камайтириш, тармоқ ишчилари учун антистатик хусусиятли махсус кийим тайёрлаш усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда енгил саноат маҳсулотлари сифатини ва рақобатбардошлигини яхшилашга, хомашёни тайёр маҳсулот ҳолатигача комплекс қайта ишлаш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобат-бардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, «инсон-кийим-ташқи муҳит» тизимини комплекс таҳлили тамойилларига асосланган эргономик лойиҳалашнинг прогрессив усулларидан фойдаланган ҳолда, турли соҳа ишчилари учун ишончли ва сифатли махсус кийим яратиш, шу жумладан электр таъминоти ишчилари учун антистатик матолардан махсус кийим ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

<sup>1</sup><https://articlekz.com/article/15176>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида» ги Фармонлари, 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни ривожлантириш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантиришнинг чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлиги даражаси.** Антистатик маҳсус кийимларни лойиҳалаш ва уларнинг материаллар хусусиятларини тадқиқот қилиш муаммоларига бир қатор хорижлик олимлардан Япониялик олимлар Makoto Akashi, Американинг Калифорния университети олими William W Nazaroff, Колумбиялик олимлар Castillo J., Cubillos A., ҳиндистонлик олимлар Azhar Ali, Patrick ва бошқалар илмий ишлар олиб боришган. Россиялик олимлар Е.В.Романов, Е.Я.Сурженко, П.П.Кокеткин, Е.Б.Коблякова, И.В.Черунова, З.С.Чубарова, И.Н.Савельева ва бошқалар маҳсус кийимларни лойиҳалаш жараёнининг илмий ва назарий асосларини ишлаб чиқиш билан шуғилланишган.

Олимлардан Б.И.Сажин, Г.М.Бартенев, Г.А.Лушчекина, П.Л.Гефтер, Е.В.Сильченко, А.А.Асланян, Д.Н.Акбаров, С.Ш.Ташпулатов, Б.Х.Баймуратов, Р.Д.Акбаровнинг илмий ишлари тўқимачилик материалларининг электр ўтказувчанлик хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида турли мўлжалланишдаги маҳсус кийимларни лойиҳалашга тизимли ёндашувнинг услубий асослари шакллантирилган, «инсон - кийим - атроф-муҳит» тизимининг реал фаолият шароитларига мувофиқлиги омиллари ва мезонлари номенклатураси тузилган, конструкцияни эргономиклиги ва рационаллигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ишлаб чиқилган, эргономик мезонларга мувофиқ кийим ва унинг материаллари сифатининг бир қатор кўрсаткичларини баҳолаш усуллари ва техник воситалари таклиф қилинган бўлсада, аммо республикамизнинг иссиқ ва қуруқ иқлимий шароитларини эътиборга олган ҳолда электр таъминоти ишчиларини ишлаб чиқариш таъсирларидан ишончли ҳимоя этадиган ва ишчилар ҳаракатларига эркинлик яратадиган маҳсус кийим лойиҳалаш масаласи бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига муофиқ №19-20 «Ҳудудий электр тармоқлари МЧЖ ишчилари учун антистатик хусусиятли маҳсус кийим

тайёрлаш усулини ишлаб чиқиш» мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** электр таъминоти ишчиларининг меҳнат шароитларини ва мамлакатимизнинг иқлимий шароитларини этиборга олган ҳолда юқори ҳимоя, эргономик, гигиеник ва эстетик хусусиятларга эга иссиқ иқлим шароити учун антистатик махсус кийимини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

электр таъминоти ишчиларининг мавжуд махсус кийимини, ишлаб чиқаришнинг зарарли таъсирларини ва иқлимий шароитларни тахлили асосида янги лойиҳаланаётган махсус кийимга қўйиладиган талабларни шакллантириш;

махсус кийим конструктив параметрларини оптималлаштириш ва унинг ҳимоя ҳамда гигиеник хоссаларини олдиндан башорат қилишга имкон яратувчи «инсон-кийим-ташқи муҳит» тизимини математик моделини яратиш;

бугунги кунда мавжуд антистатик матолар бозорини ўрганиб, иссиқ иқлимий шароитлар учун мўлжалланган антистатик мато танлаш ва асослаш;

эргономик изланишлар асосида иссиқ иқлим шароитида ишлайдиган электр тармоқлари ишчиларининг ёзги махсус антистатик кийимининг янги модели ва рационал конструкциясини ишлаб чиқиш;

яратилган антистатик махсус кийимни ишлаб чиқариш шароитларида апробациядан ўтказиш ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** «Худудий электр тармоқлари» МЧЖ ишчиларининг махсус кийими олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** махсулот ҳаётий циклининг асосий босқичларини ўз ичига олган махсус кийимни тизимли лойиҳалаш услубияти ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун махсус кийимларни лойиҳалашга тизимли ёндошув методологияси, математик моделлаштириш усуллари, эксперт баҳолаш усуллари, факторли таҳлил ҳамда тажриба натижаларини математик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

эргономик лойиҳалаш тамойиллари асосида худудий электр таъминоти ишчилари учун махсус кийимнинг такомиллаштирилган конструкцияси ишлаб чиқилган;

электр таъминоти ишчиларининг мавжуд махсус кийимига ишлаб чиқаришнинг зарарли таъсирлар топографияси тахлили асосида ва истеъмолчилар фикрини эътиборга олган ҳолда лойиҳаланаётган махсус кийимга қўйиладиган талаблар шакллантирилган;

антистатик матоларнинг физик-механик ҳамда гигиеник хоссаларини ифодаловчи боғланишлар ишлаб чиқилган ва электр таъминоти ишчилари махсус кийимини тайёрлаш учун энг мақбул варианты тавсия этилган;

«Инсон -кийим-атроф-муҳит» тизими асосида иссиқ ҳаво муҳити ва кийим юпқа қатлами орасидаги иссиқлик алмашув жараёнларининг вақт бўйича

ўзгариш боғланишлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

истеъмолчилар фикрларини инобатга олган ҳолда ва «Худудий электр тармоқлари» корхонаси имиджига мос келадиган ёзги махсус антистатик кийимнинг моделлари ишлаб чиқилган;

электр таъминоти ишчиларининг меҳнат шароитларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда эргономик нуқтайи назардан қулай махсус кийим комплеклари ишлаб чиқилган;

саноат корхоналарига жорий этиш учун ёзги махсус антистатик кийимнинг муҳандислик-техник ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Диссертацияда шакллантирилган илмий қоидалар, тамойиллар, хулосалар тавсияларнинг ишончилиги, изчиллиги, назарий ҳамда экспериментал тадқиқотлар натижалари, апробация ва жорий этишнинг ижобий натижалари, шунингдек, натижаларни таққослаш, маълум баҳолаш мезонларига кўра уларнинг адекватлиги, тадқиқотларининг ижобий натижаларини ва кўриб чиқиладиган мавзу бўйича маълумотларини қиёсий таҳлил қилиш билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иссиқ иқлимий шароитлар учун мўлжалланган махсус кийимларни тизимли лойиҳалаш методологияси яратишдан иборат; махсус кийимларни лойиҳалашнинг турли босқичларида фойдаланиладиган маълумотларни тизимлаштириш ва шакллантириш, аниқ ҳамда оқилона қарорларини қабул қилишни таъминланганлиги билан изоҳланади.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти тадқиқот натижасида электр таъминоти ишчиларининг меҳнат шароитлари ҳамда махсус кийимни сифати яхшиланганлиги ва унинг эксплуатациялаш даври ортганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Электр таъминоти ишчилари учун антистатик хусусиятли махсус кийимни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

махсус кийимга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг саноат намунасига патент олинган («Электроэнергетиклар учун антистатик махсус кийим», № SAP 02096-2021 й). Натижада худудий электр таъминоти ишчилари учун янги антистатик хусусиятли махсус кийимининг замонавий моделлари ва рационал конструкцияси ишлаб учун чиқиш ҳамда у эксплуатациялаш пайтида ишчилар ҳаракатлари эркинлигини ва иссиқ иқлимий шароитда кийим ости қатламининг қўнғирлиги микроиқлимни таъминланиш имконияти яратилган;

таклиф этиладиган электр таъминоти ишчилари учун антистатик хусусиятли махсус кийимни янги комплеклари ва уларнинг конструкторлик-техник ҳужжатлари пакети «Ўзтўқимачиликсаноат» Ассоциацияси тасарруфидаги тикувчилик корхоналарида, шу жумладан, «Al-Nakim Plus» МЧЖ, «Ocean-Lyuks» МЧЖ (Бухоро вилояти) тикувчилик корхоналарида жорий



қилинди («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 29 июндаги 03/14-2002-сонли маълумотномаси). Натижада электр таъминоти ишчилари учун антистатик хусусиятли махсус кийимни ишлаб чиқиш асосида меҳнат унумдорлиги 17,54 % ва ҳудудий электр таъминоти ишчиларини қулай, комфортли ва арзон махсус кийим билан таъминлашга имконият яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 12 илмий-техник анжуманларда, шундан 3 та халқаро, 6 та республика миқёсидаги ҳамда 3 илмий семинарларда муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши натижалари 17 та илмий ишларда, шу жумладан: 3 та Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган нашрларда, 1 та Scopus маълумотлар базасига киритилган халқаро илмий нашрларда чоп этилган, 1 та Россия Федерациясининг ихтирога патенти ва Ўзбекистон Республикасининг 1 та саноат намунасига патенти олинган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши 4 та боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари шакллантирилган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий ахамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ҳудудий электр таъминоти ишчиларининг меҳнат шароитларини комплекс тадқиқ қилиш ва махсус кийимга қўйиладиган талабларни шакллантириш»** деб номланган биринчи бобида электр тармоғи ишчилар касбларининг таснифий таҳлили ва уларнинг меҳнат жараёнида учрайдиган электрдан шикастланишлар, махсус кийим ишлаб чиқариш учун антистатик тўқимачилик материалларнинг хоссалари ва қўлланилиши, ишчилар меҳнат жараёнида учрайдиган электрдан шикастланишлар, антистатик махсус кийимларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш бўйича илмий-тадқиқот ишлари таҳлили асосида антистатик махсус кийимга қўйиладиган талаблар дастури ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Иссиқ ҳаво муҳити ва кийим юпқа қатлами орасидаги иссиқлик алмашув жараёнларида ҳароратларнинг вақт бўйича ўзгаришларнинг назарий тадқиқи»** номли иккинчи бобида «инсон- махсус кийим» тизимини шартли равишда цилиндр кўринишида қабул қилинган бўлиб, ундаги ҳаво муҳити ва қатлам ўзаро иссиқлик алмашиш жараёнида қатлам таркибидаги ҳаво ва қатлам материали ҳароратларининг вақт бўйича ўзгариши масаласи ўрганилган.



**1- расм. «Инсон- махсус кийим» тизимининг шартли цилиндр кўриниши: 1-инсон танаси, 2- ички кийим, 3-махсус кийим**

Қатлам таркибидаги ҳаво ва қатлам материали ҳароратларининг вақт бўйича ўзгариши қўйидаги формулалар билан билан ифодаланади:


1-модел (ҳаво муҳити ўз ҳароратни сақлайди)

$$T_2 = (T_{20} - T_{10}) \exp(-\alpha t / C_1) + T_{10}$$

$T_{10}$  ва  $T_{20}$  - ҳаво муҳити ва қатлам матриалидаги бошланғич ҳароратлар;  $\alpha$  ҳаво билан қатлам орасидаги иссиқлик алмашиш коэффиценти;  $C_1$  - қатлам солиштирма иссиқлик сиғими.

2-модел (ҳаво муҳити қатламда иссиқлик алмашиши натижасида ўз ҳароратини ўзгартиради) ( $C_1, C_2$  - ҳаво муҳити ва қатламнинг солиштирма иссиқлик сиғимлари, ( $k = C_2 / C_1$ ))

$$T_2 = \frac{k(T_{20} - T_{10})}{k+1} \exp[-\alpha(k+1)t / C_2] + \frac{T_{20} + kT_{10}}{k+1}$$



**2- расм. Қатламда 1 (а) ва 2 (б) моделлар асосида ва ҳаво муҳитида 3 (в) вақт бўйича иссиқлик ўзгариши жараёнинг иссиқлик алмашув коэффиценти  $\alpha$  (вт/м<sup>2</sup>град) нинг ҳар хил қийматларидаги графиклари 1- $\alpha=2$ , 2- $\alpha=5$ , 3- $\alpha=7$ , 4- $\alpha=10$ , 5- $\alpha=12$ .**

**1-жадвал**

**1 модел учун рухсат берилган  $T_{2*}$  (град) ҳароратнинг ва иссиқлик алмашиш коэффиценти  $\alpha$  (вт/м<sup>2</sup>град) ҳар хил қийматларида сарфланадиган вақт  $t_*$  (мин)нинг қийматлари**

$\alpha / T_{2*}$	1(вт/м <sup>2</sup> град)	2	4	6	8	10	12	14
30 °С	4.79(мин)	2.40	1.20	0/80	0.60	0.48	0.40	0.34
35 °С	11.55	5.77	2.88	1.92	1.44	1.15	0.96	0.82

40 °C	23.11	11.55	5.77	3.85	2.89	2.31	1.93	1.65
-------	-------	-------	------	------	------	------	------	------

2 модел учун:

$$k(T_{20} - T_{10}) \exp\{-\alpha l(1+k)t_* / C_2 + (T_{20} + kT_{10}) - (k+1)T_{2*}\} = 0$$

Бу тенгламанинг вақт  $t_*$  нисбатан ечими

$$t_* = \frac{C_2}{\alpha(k+1)} \ln \frac{k(T_{10} - T_{20})}{T_{20} + kT_{10} - (k+1)T_{2*}}.$$

**2-жадвал**

**2 модел учун рухсат берилган  $T_{2*}$  (град) ҳароратнинг ва иссиқлик алмашииш коэффициентини  $\alpha$  (вт / м<sup>2</sup>град) ҳархил қийматларида сарфланадиган вақт  $t_*$  (мин)нинг қийматлари**

$\alpha / T_{2*}$	1(вт/м <sup>2</sup> град)	2	4	6	8	10	12	14
30 °C	5.57(мин)	2.79	1.39	0.93	0.70	0.58	0.46	0.40
33 °C	12.01	6.00	3.00	2.00	1.50	1.20	1.00	0.86
35 °C	22.60	11.30	5.65	3.76	2.82	2.26	1.88	1.61

Кейинги босқичда қийим қатламининг текис ва фазовий ҳолатларда термик қаршилиги баҳоланди. Текис қатламнинг термик қаршилиқ коэффициенти

$R_T = \frac{T_2 - T_1}{Q}$  - қатлам материалининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти

ўзгармас,  $R_T = \int_0^h \frac{dx}{\lambda(x)S(x)}$  - қатлам қалинлиги бўйича улар ўзгарувчи бўлганда,

узунлиги  $L$  марказий бурчаги  $\theta$  цилиндр қатлам тузилган цилиндрик сирт учун термик қаршилиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$R_T = \frac{1}{\theta L \lambda} \ln \left( 1 + \frac{h}{R+n} \right)$$


$Q = \theta L \alpha (T_0 - T_2)(R+h)$  - қатламнинг ташқи муҳит билан Ньютон қонуни бўйича иссиқлик алмаштириганда сиртга бериладиган иссиқлик миқдори.

Қатламнинг умумий термик қаршилиқ коэффициенти:

$$R_T^{(S)} = \frac{1}{\theta L} \left( \frac{1}{\lambda} \ln \left[ 1 + \frac{h}{(h+R)} \right] + \frac{1}{\alpha(R+h)} \right)$$

Термик қаршилиқ коэффициентининг экстремумга эришадиган қатлам қалинлиги  $h = h_k = R \frac{\alpha R - \lambda}{2\lambda - \alpha R}$ .

$\bar{R}_T^{(s)} = \ln\left(1 + \frac{\bar{h}}{1 + \bar{h}}\right) + \frac{1}{\bar{\alpha}(1 + \bar{h})}$  термик қаршилик коэффициентинг экстремуми.





**3-расм. Ўлчамсиз термик қаршилик коэффициенти  $\bar{R}_T = R_T^{(s)} \lambda \theta L$  нинг  $\bar{\alpha}$  нинг ҳархил қийматларида қатлам қалинлиги  $h$  (мм) бўйича ўзгариш графиклари: 1- $\bar{\alpha} = 1.1$ , 2- $\bar{\alpha} = 2.$ , 3- $\bar{\alpha} = 2.5$ , 4- $\bar{\alpha} = 4.$**

Тавсия этилган математик модел тажриба ўтказиш шартларини аниқлаш, асосий параметрларни оптималлаштириш, шунингдек, лойиҳалаш босқичида материаллар пакетини танлаш ва кийимнинг конструктив параметрларини самарадорлигини баҳолаш имконини беради



Диссертация ишининг «**Электр таъминоти ишчилари учун антистатик хусусиятли махсус кийимни ишлаб чиқиш усулини яратиш**» деб номланган учинчи боби истеъмолчилар фикрини ўрганиш, махсус кийимга ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли таъсирининг топографик ҳудудларини аниқлаш, меҳнат жараёнида энг кўп бажариладиган иш ҳаракатларини таҳлил қилиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда махсус кийимнинг махсус кийимнинг замонавий моделларини яратиш ва рационал конструкциясини ишлаб чиқишга бағишланган.

Бугунги кунда мавжуд антистатик матолар бозорини ўрганиш асосида электр таъминоти ишчилари меҳнат шароитларига мос келадиган материаллар танланган ва уларнинг хоссалари Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Centexuz» синов лабораториясидатадқиқ этилган.



**4- расм. Мато намуналарнинг хаво ўтказувчанлиги, ( $\text{дм}^3/\text{м}^2\text{с}$ )**

**5- расм. Мато намуналарнинг гипроскопиклиги, (%)**




**6- расм. Мато намуналарнинг умумий иссиқликка қаршилиги, (кгс)**

**7-расм. Мато намуналарнинг узилиш юкламаси танда ва арқоқ бўйича, (кгс)**



Физик –механик ва гигиеник хоссаларининг қиёсий таҳлили натижалари асосида (4-7 расм). Ўзбекистон иқлим шароити ва электр тармоқлари корхоналари ишчилари учун энг мақбул 100% пахта толасидан тайёрланган 10209a-M артикулли антистатик мато, деб топилди. Ишнинг кейинги босқичида лойиҳаланаётган махсус кийимнинг моделларини яратиш ва конструкциясини ишлаб чиқишда айнан шу матодан фойдаланилди.

Электр таъминоти ишчилари махсус кийимига ХЗИЧО таъсир доирасини аниқлаш бўйича тажрибалар шуни кўрсатдики, куртканинг олд қисми ва шимнинг олд бўлагига зарарли омиллар энг кўп таъсир қилади. Олд бўлакда тердан намланиш ва ифлосланиш жойларининг ўртача майдони мос равишда  $943 \text{ см}^2$  ва  $1233 \text{ см}^2$  (30% ва 35%), енг бўйлаб -  $423 \text{ см}^2$  ва  $645 \text{ см}^2$  (35% ва 55% дан ортиғи), шимнинг олд ва орт қисмлари бўйлаб ифлосланиш жойларининг ўртача майдони  $924 \text{ см}^2$  ва  $766 \text{ см}^2$  (53%) ташкил этади.





**8-расм. Махсус кийим эскиришига таъсир этувчи омилларнинг фоизли тақсимоти диаграммаси**

Электр таъминоти ишчиларининг махсус кийим жиҳатлари ҳақида фикрларини аниқлаш, унинг комплектлиги, материаллари, эстетик, гигиеник ва эксплуатацион хоссаларини аниқлаш мақсадида Бухоро шаҳар «Худудий электр тармоқлари» корхонаси ишчилари ўртасида анкетали сўровнома ўтказилди.



**9-расм. Респондентлар ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиш гистограммаси**

**10-расм. Кийимнинг ассортименти бўйича тақсимланиш гистограммаси**



**11-расм. Махсус кийимнинг ранги бўйича тақсимланиш гистограммаси**

**12-расм. Кийим танлашдаги муҳим жиҳатлар гистограммаси**

Сўров натижалари бўйча кўпчилик ишчилар махсус кийимнинг энг афзал тури бу куртка ва шим, деб ҳисоблайди (73%). Махсус кийимнинг ранги бўйича 41 % киши кўк рангни танлади. Махсус кийимнинг асосий жиҳатлари сифатида эса 41% киши ҳимоя, гигиеник ва эксплуатацион хоссаларини танлади. Шундай қилиб, маркетинг изланишлар натижасида қуйидагилар аниқланди: электр таъминоти ишчилари махсус кийими куртка ва шим кўринишида, кўк рангда, ҳимоя, гигиеник ва эксплуатацион хоссалари юқори бўлиши аниқланди.

Тадқиқотлар натижасида танланган 10209 а-М артикулли антистик матодан «CorelDRAW» компютер графикасидан фойдаланган ҳолда электр таъминоти ишчиларининг махсус кийимининг янги моделлари ишлаб чиқилди (13-расм).





**13-расм. Электр таъминоти ишчиларининг махсус кийимининг янги моделлари**

Тадқиқотларимизнинг кейинги босқичи - базавий ўлчам ва бўй учун базали асос конструкциясини ҳисоблаб қуришдан иборат бўлди. Ушбу мақсадда электр таъминоти ишчиларининг меҳнат жараёнида энг кўп бажарадиган эргономик ҳаракатлари ва ушбу ҳаракатларни бажаришдаги гавда ўлчамларининг динамик эффектлари аниқланди. Натижалар 3-жадвалда келтирилган.

Изланишлар проф. Е.Б. Коблякова томонидан тавсия этилган кийимни ташқи динамик мослигини аниқлаш методикаси асосида «қўлларни юқорига кўтаришда кийим этак чизиғининг силжиш даражаси» кўрсаткичи бўйича амалга оширилди. Ишчи ҳаракатлар сифатида электр таъминоти ишчиларининг иш жараёнида энг кўп бажарадиган ва уларни бажариш натижасида инсон тана ўлчамларининг энг катта миқдорда ўзгаришига олиб келадиган - «қўлларни юқорига кўтариш» ишчи ҳаракати танлаб олинди. Тадқиқот натижасида аниқландики, ишчи ҳаракатлар бажариш жараёнида тананинг «Орқа кенглиги» ўлчами 6.35 см дан 12,92 см гача, «Бел чизиғидан тиззагача бўлган масофа орт томондан» ўлчами 1.02 см дан 8,59 см гача, «Орт томондан бўйин нуқтасидан бел чизиғигача тана узунлиги» ўлчами 0.65 см дан 8,49 см гача ўзгаради. Аниқланган динамик эффектлар қийматлари асосида махсус кийим тўқислиги учун қўшимча ҳақлар қийматлари танлаб олинди.

**Электр таъминоти ишчиларининг меҳнат жараёнида энг кўп  
бажарадиган эргономик ҳаракатлари ва гавда ўлчамларининг динамик  
эффектлари**

Ўлчам белгилари номи  Динамик ҳолатлар	Динамик эффект, (S) d <sub>j</sub> - (S) x <sub>i</sub> , см			
	№1 	№2 	№3 	№4 
Орқа кенглиги	6,35	9,88	10,43	12,92
Бел чизиғидан тиззагача бўлган масофа орт томондан	1,84	8,59	1,02	6,63
Орт томондан бўйин нуқ- тасидан бел чизиғигача тана узунлиги	0,65	3,76	1,52	8,49
Олд бел узунлиги	5,78	0,9	0,22	0,16

Инсоннинг типик гавда ўлчов белгилари, эргономик изланишлар асосида аниқланган қўшимча ҳақлардан фойдаланган ҳолда электр таъминоти ишчилари учун махсус кийимнинг конструкцияси «Richpeace Cad System» дастури ёрдамида қурилди. 170-176, 88-96 ўлчамдаги эркаклар курткази ва шимининг базали конструкцияси, андазалари, размер-бўйлар бўйича градацияси ва андазалар рационал жойлашмаси ишлаб чиқилди.

Махсус кийим комплекти эксплуатациялашда янада қулайроқ бўлиши учун, мавжуд махсус кийимдан фарқланадиган бир қатор ўзгаришлар киритилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:


курткада:

- замонавийлик ва миллий анъаналарни бирлаштирувчи, иш жараёнида ҳаракатлар эркинлигини ва юқори динамик кўрсаткичларни таъминловчи реглан бичимли энг қўлланганлиги;

- ишлаш қулайлигини таъминлаш учун энг ўмизини қўшимча 5 см миқдорда чуқурлаштирилгани;

- махсус кийимнинг энг учларида ва шимнинг пастки қисмида лойиҳаланган антистатик толали (100%-ПАН) трикотаж манжетлар кийим сиртидан махсус пойабзалга электр зарядлар оқимини ўтказиш учун хизмат қилади ва бунинг натижасида ишчининг танасига тушадиган электр зарядлар оқимини ўз вақтида пастга оқиб кетишини таъминлайди ва ишчилар хавфсизлигини таъминлайди;





**14- расм. Электр таъминоти ишчилари учун махсус кийим комплекти (куртка ва шим) нинг : а) - куртканинг олд ва орт деталлари, б) - шимнинг олд ва орт деталлари**

- иссиқ иқлим шароитида ишлаганда кийим ости қатлами вентиляциясини таъминлаш таъминлаш мақсадида олд ва орқа кокеткалар чизиқлари бўйлаб вентиляцияон тешикларининг мавжудлиги;
- куртка орқасида қарама-қарши тахламаларни киритиш, унинг эргономик функцияларини ошириш, шунингдек курткадан фойдаланиш пайтида маҳсулот ҳажмини кўкрак чизиғи бўйича ўзгартириш имкониятини таъминлайди;
- қоронғида ишлаганда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш олд ва орқа кокеткалар чизиқлари бўйлаб ёруғликни қайтарувчи тасмалар мавжудлиги;
- маҳсулотга чиройли эстетик кўриниш бахш этувчи ва деталларнинг четларини ишқаланиб, ейилишдан ҳимоя қилувчи чўнтаклар ва клапанлар четларини мағиз чок билан ишланиши;
- кичик иш қуроллари (отвёртка, калитлар ва ҳоказолар)ни солиш учун мўлжалланган «портфель» турдаги клапанли катта ҳажмли чўнтаклар мавжудлиги;

шимда:

- шимнинг олд қисмида функционал қоплама чўнтакларининг мавжудлиги;
- шимнинг ён қисмларида тизза соҳасида ҳимояловчи қопламалар мавжудлиги.


Диссертация ишининг **Электр таъминоти ишчилари махсус кийимининг сифат даражасини баҳолаш номли боби** яратилган махсус кийимнинг сифат кўрсаткичларини ўрганишга бағишланган.

Ишлаб чиқилган махсус кийимни қулайлик даражасини баҳолаш учун эксперт баҳолаш усули қўлланди, бунда баҳолаш, П<sub>г</sub> кўкрак чизиғи бўйича конструктив кўшимча ҳақ кийиматининг регрессия боғлиқлиқлиги таҳлили асосида амалга оширилди.


Сўровларда Бухоро муҳандислик - технология институти ва тикувчилик корхоналари мутахассисларидан 10 та мустақил экспертлар қатнашди. Синов намуналари сифатида макет матосидан тайёрланган кўкрак чизиғи бўйича кўшимча ҳақ П<sub>г</sub> миқдори 10 см дан 15 см гача бўлган 10 та қийим макетлари

қўлланилди. Ушбу макет намуналарини кийган инсонлар томонидан электр таъминоти ишчиларининг энг кўп учрайдиган эргономик ҳаракатларини бажариш жараёнида махсус кийим сифатини баҳолаш (40 балли шкалада) амалга оширилди.


Олинган натижалар шуни кўрсатадики, экстремал ҳаракатларни бажаришда куртканинг этак қисмининг силжишини қийматлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва уларнинг энг кичик қиймати  $P_r$  нинг 13,5 см га яқин қийматига тўғри келади. 15-18- расмлардан кўриниб турибдики, юқоридаги нисбатлардан танланган  $P_r$  диапазонида (13-14 см) олинган барча функциялар максимал даражага эга эканлиги ва  $P_r$  нинг ушбу экстремумга мос келадиган қийматлари 13,5 см га яқинлиги кўриниб турибди.




**15- расм. 1- ҳол учун кийим қулайлигига экспертлар ўртача баҳоси орасидаги регрессион боғланиш графиклари**



**16-расм. 2- ҳол учун кийим қулайлигига экспертлар ўртача баҳоси орасидаги регрессион боғланиш графиклари**



**17- расм. 3- ҳол учун кийим қулайлигига экспертлар ўртача баҳоси орасидаги регрессион боғланиш графиклари**




**18-расм. 4- ҳол учун кийим қулайлигига экспертлар ўртача баҳоси орасидаги регрессион боғланиш графиклари**

**Изох:пунктир чизиқ- эмпирик чизиқ, туташ чизиқ - ҳисобланган регрессион боғланиш чизиғи**

Шундай қилиб, махсус кийим курткасининг кўкрак чизиғи бўйича кўшимча ҳақ қиймати  $P_r = 13,5$  см электр таъминоти ишчилари янги махсус кийим намуналарини конструкциясини ишлаб чиқиш учун асос сифатида танланди ва кийим қулайлиги мезонларига кўра энг яхши эканлиги испотланди.

Ишлаб чиқилган махсус кийимни эксплуатациялаш даврида сифат кўрсаткичларини сақлаб қолишини текшириш мақсадида реал шароитларда 12 ой давомида тажриба-синов ишлари амалга оширилди. Ҳар ойда ишлаб чиқариш синовлари жараёнидаги махсус кийимлар материалларининг физик- механик ва ҳимоя хоссаларининг синовлари ўтказилди. Ишлаб чиқариш

синовларида, ифлосланган махсус кийимлар ўрнатилган тартибда мунтазам ювилди. Эскириш ва ейилиш ҳудудларини аниқлаш мақсадида махсус кийим куртқасининг олди, орқаси, енги, шимнинг олд ва орқа бўлаклари ҳудудларга бўлинди (19-расм).




**19 - расм. Эскириш ва ейилиш ҳудудларини аниқлаш мақсадида махсус кийим куртқасининг олди, орқаси, енги, шимнинг олд ва орқа бўлаклари ҳудудларга бўлиниши**


Тажрибаларда олинган натижалар Бух.МТИ нинг экспериментларни режалаштириш лабораториясида ишлаб чиқилган «Регрессион таҳлиллар» дастури бўйича ишлов берилди. Бунда дисперсиянинг бир хиллигини баҳолашда Кохрен критериясидан, регрессия коэффициентлари қийматини баҳолашда Стьюдент критериясидан, регрессион моделларнинг адекватлигини баҳолашда Фишер критериясидан фойдаланилди.

Махсус кийим деталларига таъсир этувчи омиллар-кийимни ювишлар сони (марта), кийимнинг эксплуатациялаш даври (ой) кўрсаткичлари кирувчи факторлар сифатида олинди:  $x_1$ - кийимни ювишлар сони (марта), кийимни эксплуатациялаш даврида ювишлар сони бир ойда ўртача 4 марта қабул қилинди, демак 12 ойлик синов давомида махсус кийим 48 марта ювилади. Шу сабабли, махсус кийимни эксплуатациялаш даврида ювишлар сонини 24 дан 48 мартагача қабул қилинган.  $x_2$  – кийимни эксплуатацион даври (ой). Чиқувчи факторлар сифатида махсус кийим деталларининг танда ипи бўйича узилишга юкламаси ва арқоқ ипи бўйича узилишга юкламаси(кгс) кўрсаткичини белгилаб олинган.


Махсус кийим деталларининг узувчи юкламаси, ҳаво ўтказувчанлиги ва гигроскопичлиги хоссаларининг кийиб юриш давомийлигига боғлиқлик графиклари 20-25-расмларда кўрсатилган. Танланган ҳудудларда тавсифларнинг ўзгаришига асосланиб, кийим материалларининг юқорида айтиб ўтилган кўрсаткичларининг ювишлар сонига ва кийиб юриш давомийлигига боғлиқлиги регрессия тенгламалари олинган.




**20 – расм. Махсус кийимнинг ювишлар сонини материалларни узилиш юкламасига боғлиқлик графиги**




**21 – расм. Кийимнинг эксплуатацион даврнинг материалларини узилиш юкламасига боғлиқлик графиги**




**22 – расм. Махсус кийимнинг ювишлар сонини материалларининг ҳаво ўтказувчанлиги (дм³/м²с) боғлиқлик графиги**



**23 – расм. Махсус кийимнинг эксплуатацион даврнинг материаллар ҳаво ўтказувчанлигига (дм³/м²с) боғлиқлик графиги**



**24 – расм. Махсус кийимнинг ювишлар сонини материаллар гигроскопиклигига боғлиқлиги графиги**



**25 – расм. Махсус кийимнинг эксплуатацион даврнинг материаллар гигроскопиклигига боғлиги графиги**

Махсус кийим материалларининг узилиш юкламаси регрессия тенгламаси қуйидагича:

$$Y_1 = 49,89 - 0,7x_1 - 1,2x_2 - 0,4x_1x_2$$

Махсус кийим материалларининг ҳаво ўтказувчанлик регрессия тенгламаси қуйидагича:

$$Y_2 = 20,15 + 1,1x_1 + 2,4x_2$$

Махсус кийим материалларининг гигроскопиклик регрессия тенгламаси куйидагича:

$$Y_3 = 6,45 + 0,5x_1 + 1,2x_2 + 0.1x_1x_2$$

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар ишлаб чиқилган махсус кийимнинг ҳимоя хусусиятларининг самарадорлигини аниқлаш имконини берди. Ишлаб чиқилган ёзги махсус кийимларининг ишлаб чиқариш синовлари Бухоро вилояти «Худудий электр тармоқлари» МЧЖ корхонасида 2020 йил 01 апрелдан 01 октябргача ва 2021 йил 20 мартдан 20 августгача 12 ой давомида ўтказилган. 20 - 25 - расмларда махсус кийимнинг асосий хоссаларининг эксплуатациялаш давомийлигига ва ювишлар сонига боғлиқлиги кўрсатилган бўлиб, улар бутун эксплуатациялаш давомида ижобий кўрсаткичларга эга эканлиги кўриниб турибти.

Антистатик махсус мато «AL-Nakim Plus» ва «DeLyuxe» МЧЖ ишлаб чиқариш жараёнларига тадбиқ этилган. Диссертация ишини асосий натижалари «AL-Nakim Plus» ва «Okean-Lyuks» МЧЖ тикувчилик корхоналарида тадбиқ этилганда йиллик иқтисодий самарадорлик 84 630 000сўм сўмни ташкил этган.

## ХУЛОСА

Диссертация мавзуси бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари куйидагилардан иборат:

1. Махсус кийимларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш соҳасидаги илмий изланишлар таҳлили асосида электр таъминоти ишчилари учун махсус кийимни лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш зарурлиги аниқланган.
2. Электр таъминоти ишчилари меҳнат шароитларини ва хавфли ҳамда зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда антистатик махсус кийимга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилган ҳамда тадқиқотнинг асосий мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.
3. Махсус кийимларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган тўқимачилик материаллари ассортиментининг таҳлили асосида, 100% пахта толасидан ташкил топган РФнинг «Чайковский текстиль» тўқимачилик корхонасида ишлаб чиқилган 10209а-М артикулли антистатик мато танланган.
4. «Инсон-кийим-атроф-муҳит» тизимининг математик модели иссиқ қуруқ иқлимий шароитларда инсон организмнинг кийим пакети орқали ташқи муҳит билан иссиқлик ва массаалмашинуви жараёнини тасвирлайдиган дифференциал тенгламалар тизими ишлаб чиқилган.
5. Тавсия этилаётган математик модел экспериментлар шартларини аниқлаш, асосий параметрларни оптималлаштириш, шунингдек, лойиҳалаш босқичида материаллар ва кийим конструкциясини танлаш самарадорлигини баҳолаш имконини беради.
6. Ишчилар меҳнат шароитларини ҳамда уларга таъсир этадиган ХЗИЧОни ўрганиш, шунингдек маркетинг тадқиқотлари асосида электр таъминоти ишчилари учун янги махсус кийим моделлари тўплами «Corel Draw»

компьютер графикаси ёрдамида ишлаб чиқилган, бунда уларнинг функционалиги, эстетиклиги ва конструктив параметрларининг оптималлигининг корхонанинг корпоратив услубига мослигига урғу берилган.

7. Тавсия этилган моделлар асосида махсус кийимнинг конструкцияси «Richpeace Cad System» дастурий иловадан фойдаланган ҳолда яратилган. Махсус кийим комплекти эксплуатациялашда янада қулайроқ бўлиши учун, унинг конструкциясига бир қатор ўзгаришлар киритиб, такомиллаштирилган.
8. Олиб борилган эргономик тадқиқотлар натижалари асосида олинган тавсияларга мувофиқ электр таъминоти ишчилари учун антистатик махсус кийим ишлаб чиқилган, унинг конструктив ечимининг янгилиги саноат намунасига патент билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикасининг № SAP 02096 саноат намунасига патент).
9. Юқори динамик мосликни таъминлаш мақсадида махсус кийимни конструктив параметрларини оптималлаштириш учун тўлиқ факторли эксперимент (ПФЭ 2<sup>3</sup>) ўтказилган. Олинган моделлар юқори даражадаги мувофиқликни таъминловчи махсус кийимнинг оптимал конструктив параметрларини танлаш учун қўлланилган.
10. Махсус кийимнинг рационал конструкцияси асосида тажриба- синов партияси «Al-Nakim Plus» МЧЖ, «Ocean-Lyuxе» МЧЖ корхоналари шароитида ишлаб чиқарилган. Ишлаб чиқарилган янги антистатик махсус кийимга Бухоро вилояти «Худудий электр тармоқлари» МЧЖ ходимлари ва тикувчилик корхонаси мутахассислари томонидан ижобий баҳо берилган. Янги махсус кийимни ишлаб чиқаришга жорий этишдан йиллик иқтисодий самара 84 630 000 сўмни ташкил этган.
11. Антистатик махсус кийимларининг физик-механик, гигиеник ва ҳимоя хусусиятлари тадқиқот қилиниши натижасида белгиланган эксплуатациялаш даврида (12 ой) уларнинг ташқи кўриниши, гигиеник ва ҳимоя хоссалари, шунингдек мустаҳкамлик кўрсаткичлари деярли ўзгармаганлиги кузатилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc. 27.06.2017.Т.08.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

---

**БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**КОДИРОВА СЕВАРА ХАЙРИДДИН КИЗИ**

**РАЗРАБОТКА СПОСОБА ИЗГОТОВЛЕНИЯ СПЕЦИАЛЬНОЙ  
ОДЕЖДЫ С АНТИСТАТИЧЕСКИМИ СВОЙСТВАМИ ДЛЯ  
РАБОТНИКОВ ЭЛЕКТРОСНАБЖЕНИЯ**

**05.06.04 – Технология швейных изделий и дизайн костюма**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2021**



Тема диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD) зарегистрирована за В2021.2.PhD/Т1195 в Высшей аттестационной комиссии Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Ташкентского института текстильной и легкой промышленности ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))

**Научный руководитель:** Пулатова Сабохат Усмановна  
кандидат технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Нигматова Фотима Усмановна  
доктор технических наук, профессор

Арипжанова Дилафруз Уктамовна  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:** Намаганский инженерно технологический институт

Защита диссертации состоится «9» ноября 2021 года в 11<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc27.06.2017.Т.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100., г. Ташкент, ул. Шохжахан–5, Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 222-аудитория тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс 253-36-17, e-mail: titlp\_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (диссертация зарегистрирована за №110) Адрес: г.Ташкент, ул. Шохжахан–5, тел. (+99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «26» октября 2021 года.  
(реестр протокола рассылки №110 от «26» октября 2021 года).



**И.К. Сабиров**  
Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней, т.ф.д.

**А.З.Маматов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.т.н., профессор

**И.А.Набиева**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Применение энергосберегающих технологий и технических средств для производства швейных изделий занимает одно из ведущих мест в мире. В мировом масштабе, проводятся научно-исследовательские работы, направленные на производство научно обоснованных методов и технологий по выявлению важнейших проблем, влияющих на технологические процессы. Создание новых видов высококачественной и конкурентоспособной одежды, в том числе создание специальной одежды, отвечающей гигиеническим, эргономическим, эксплуатационным и эстетическим требованиям, обеспечение их надежности, создание рациональной конструкции, разработка оптимальных технологических параметров, увеличение видов специальной одежды и совершенствование их показателей качества являются одними из актуальных научно-практических вопросов.

В мире ведутся научно-исследовательские работы по эффективному использованию современных достижений науки и техники в области разработки инновационных методов и технологий для швейной и легкой промышленности, а также по совершенствованию уже существующих. В связи с этим, особое внимание уделяется разработке научных основ технологии производства швейных изделий, определению оптимальных параметров, влияющих на технологические процессы изготовления изделий, расширению ассортимента конкурентоспособной продукции, разработке научных работ по эффективному использованию местного сырья, созданию ресурсосберегающих технологий и обеспечению качества одежды, считающейся важной для швейной промышленности.

В республике проводятся масштабные мероприятия по повышению качества и конкурентоспособности продукции легкой промышленности, и достигаются определенные результаты в сфере переработки сырья вплоть до выпуска готовой продукции... В стратегии действий по развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах намечены важнейшие задачи по «...повышению конкурентоспособности национальной экономики... сокращению потребления энергии и ресурсов в экономике, внедрению широкого спектра энергосберегающих технологий в производство». <sup>1</sup>. При реализации этих задач большое значение имеет создание надежной и качественной специальной одежды для работников различных отраслей промышленности, основанных на принципах анализа системного «человек-одежда-внешняя среда» и использованием прогрессивных методов эргономического проектирования, в том числе разработка специальной одежды из антистатических тканей для работников электроснабжения.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида” Фармони

Исследования данной диссертации в определённой степени служат для реализации задач намеченных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегиях дальнейшего развития Республики Узбекистан», Указа № 2687 от 21 декабря 2016 года «О мерах по дальнейшему развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности на 2017-2019 годы» и Постановлением № 2692 от 22 декабря 2016 года «О дополнительных мерах по ускоренному обновлению физически изношенного и морально устаревшего оборудования, а также сокращению производственных затрат предприятий отраслей промышленности», а также других нормативно-правовых документов, связанных с этой деятельностью.

